

**ТАЪЛИМДА МУЛЬТИМЕДИАНИНГ ДАСТУРИЙ ВА ТЕХНИК
ВОСИТАЛАРИ**

Ганиева Азиза Зайниддин қизи

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти

Аннотоация. Мақолада мультимедия технологияларининг мазмун-моҳияти, таълим ва тарбия жараёнида ундан фойдаланиш каби масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мультимедия, технология, таълим, дастурний ва техник воситалар, ахборот.

Мультимедия технологияларидан ўқитиш жараёнида фойдаланиш ўқитишнинг сифатини ва самарасини ошириб ўргатишнинг энг қулай усулларидан бири ҳисобланади. Мультимедия билан олиб борилган дарс ўқувчининг дарсга бўлган қизиқишини ва билим олиш савиясини оширади. Мультимедияли тақдимот бугунги кунда ахборот тақдим этишнинг ягона ва энг замонавий шакли ҳисобланади. Бу матнли маълумотлар, расмлар, слайд-шоу, диктор жўрлигидаги овоз билан бойитилган видео парча ва анимация, уч ўлчамли график тарздаги дастурний таъминот бўлиши мумкин.

Тақдимотнинг маълумот тақдим этишнинг бошқа шакллардан асосий фарқи уларнинг мазмунан бойтилганлиги ва интер фаоллигидир, яъни белгиланган шаклда ўзгаришга мойиллиги ва фойдаланувчи фаолиятига муносабатини билдиришdir.

Мультимидали технология бир вақтнинг ўзида маълумот тақдим этишнинг матн, графика, аннимация, видеотасвир ва овоз каби бир неча усулларидан фойдаланишга имкон беради. Мультимедали технологиянинг энг муҳим хусусияти интерфаоллик, ахборот мухити ишлашида фойдаланувчига таъсир ўтказа олишга қодирлиги ҳисобланади. Маълумки, сўнгги йилларда экциклопедиялар, ўргатувчи дастурлар, компьютер тақдимотлари каби кўплаб мультимидали дастурий махсулотлар яратилди ва яратилмоқда. Компьютер тақдимотлари, маъруза, доклад ва бошқа чиқишиларда одатда кўргазмали намойиш этиш воситаси сифатида плакатлар, қўлланма, лаборатория тажрибаларидан фойдаланилади. Бу мақсадда диапроекторлар, кодоскоплар, график тасвирларни экранда намойиш этувчи слайдлардан фойдаланилади. Компьютер ва мультимидали проектор маърузачи нутқини овоз, видео ва аннимация жўрлигида сифатли ташкил этишнинг барча зарурий жихатларини ўзида мужассам қилган кўғазмали материалларни тақдимот сифатида тайёрлаш ва намойиш этишга имкон берди. Маълумки, эшитган материалнинг тўртдан бир қисми хотирада

қоладиган бўлса, тингловчиларга берилаётган материалларни видео орқали амалга оширсак, ахборотни хотирада сақланиб қолиши ва тасаввур қилиш имконияти 35-70 фоизгача ошади. Шунингдек, мазкур ўкув дастурлар аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлаштирилган холатда тингловчиларга берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 70-95 фоизга ошиши

кузатилмокда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мультимедиали технологиялар ахборотни максимал даражада самарали тарзда тақдим этишга имкон беради. Мультимедиали технологиялар ахборотларни бошқаришга имкон беради, маълумотни тўғридан тўғри қабул қилашни таъминлайди, фойдаланувчи тақдим эътилаётган маълумотларни кўради ва ўзини қизиқтирадиган қисмлардан фойдалана олади. Маълумот мазмунан бой, эсда қоладиган ва кўргазмали бўлиши учун кўплаб мультимедиали технологиялари ишлатилади. Булар матн, графика ва овоз каби маълумотнинг турли шаклларини қайта ишлашга имкон берувчи мультимедиа аппарат воситалари бўлиши билан бирга амалий дастурлар пакетларидир.

Мультимедия – бу информатиканинг дастурий ва техникавий восита-лари асосида аудио, видео, матн, графика анимация ва уч ўлчовли анимация эфектлари асосида ўқув материалларини ўрганувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган холдаги кўринишидир. Мультимедиа – бир неча маълумот тақдим этиш воситаларининг бир тизимга бирлашиши, яъни у одатда матн, овоз, графика, мультиплексация, видео тасвир ва фазовий моделлаштириш каби маълумот тақдим этиш воситаларининг компьютер тизимидағи бирлашишидир. Бундай воситаларининг бирлашиши маълумот қабул қилишнинг янги сифатли даражасини таъминлаб, инсон пассив равишда маҳлиё бўлибгина ўтирмасдан, балки интерфаол иштирок этади. Мультимедиали воситалар билан ишловчи дастурлар кўп моддалидир, яъни улар бир неча сезги органларига бир вақтда таъсир қилгани учун

аудиториянинг қизиқиши ва эътиборини тортади. Мультимедиа иловалари тақдимотлар, аннимацион роликлар, ўйинлар, видеоиловалар мультимедиали галереялар, аудиоиловалар, Web иловаларга бўлинади. Презентациялар - аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли ҳисобланади. Тақдимот ягона манбага умумлашган компьютер аннимацияси, графика, видео, мусиқа ва овозни ўзида мужассам этади. Одатда тақдимот-маълумотни қулай қабул қилиш учун сюжет, сценарий ва структурага эга бўлади. Аннимация мультимедиали технология бўлиб, тасвирнинг ҳаракатланаётган-лигини ифодалаш учун тасвирларни кетма-кет намойиш этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининиг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги Конуни, “Халқ сўзи”, 2004
- 2.Алимов Р.Х. ва бошқалар “Ахборот технологиялари ва тизимлари” дарслик – Т.: ТДИУ, 2007.
3. Тургунов Т., Кушаров З. Касбий таълимда мультимедия воситаларининг афзалликлари ва муаммолари, «Касбий таълим тараққиёт йўлида», мақолалар тўплами, №8. - Тошкент, 2006
- 4.Мактабда ахборот-коммуникация технологиялари. Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун тренинг материаллари. - Т., 2011